

«УТВЕРЖДАЮ»

Директор института

Геологии и геофизики

им.Х.М.Абдуллаева

А.К.Нурходжаев

2022г



## ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

НА АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ГЕОЛОГИИ, ГЕОФИЗИКИ, ПЕТРОЛОГИИ И  
РУДООБРАЗОВАНИЯ МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО  
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ ПОСВЯЩЕННОЙ 85-ЛЕТИЮ СОЗДАНИЯ  
ИНСТИТУТА ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ И 110- ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ  
АКАДЕМИКА Х.М.АБДУЛЛАЕВА

ДЛЯ НУЖД ИНСТИТУТА ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ ИМ Х.М. АБДУЛЛАЕВА

ҚИЗИҚАРЛИ ГЕОЛОГИЯ

*Илмий-оммабон наиш*

“ \_\_\_\_\_ ”  
Тошкент - 2022

**УЎК:**

**КБК:**

**Нурходжаев А.К. Қизикарли геология. Бош мухаррир Б.Ф.Исламов. Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси. Геология фанлари университети. - Тошкент, "Lesson Press" МЧЖ нашриёти. 2022. - 185 бет.**

Ушбу илмий – оммабон шаклида яратилган қўлланма Ер сайёраси тўғрисида. Унинг ички ва ташқи тузилиши, табиий жараёнлари, тоғлар ва водийларнинг пайдо бўлиши, жозибадорлиги, гўзаллигининг туб мазмун моҳияти тўғрисидаги умумтаълим дарсликларида баён этилган табиий масалаларни нисбатан чуқурроқ ва кенгрок шаклдагисодда матн орқали тушунтиришга асосланган.

Дастлабки танишувда, ушбу қўлланмани геология мутахассислиги ва соҳасига кириш деб баҳолаш мумкин. Унда кўтарилган масалаларни ёритишда муаллиф шахсий кузатишлари ва халқаро маълумотлар тўри орқали олинган манбалардан кенг фойдаланди.

Ушбу қўлланма табиат сир-синаотларини билишга қизиқувчилар, шарафли геолог касбини эгаллашни ният қилган ўқувчилар ва шу соҳада таҳсил олаётган талаба-ёшларга қўшимча материал сифатида тавсия этилади.

**Бош мухаррир:**

**Исламов Б.Ф.** – геология-минералогия фанлари номзоди

**Такризчилар:**

**Ишбоев Х.Ж.** – геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Тоғаев И.С.** – геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

*Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.*

ISBN:© "Lesson Press" МЧЖ нашриёти, 2022.

## МУНДАРИЖА

	Кириш	4
1 - боб	Қалқиб турган Ер	11
2 - боб	Ернинг ички тузилиши	19
3 - боб	Ернинг геологик ўтмиши	27
4 - боб	Тоғлар ва текисликлар	49
5 - боб	Сув – борлик манбаи	55

6 - боб	Шамол-гўзаллик яратувчи ва офат ўчоғи	66
7 - боб	Мафтункор табиат	73
8 - боб	Дунё минераллари – минераллар дунёси	83
9 - боб	Ер қаъри маҳсулотлари	99
10 - боб	Петроглиф – тошдаги тасвирлар	119
11 - боб	Зил Ернинг зилзиласи	127
12 - боб	Ғорлар – ер ости қасрлари	137
13 - боб	Коинотдан нигоҳ	149
14 - боб	Рақамли геология	159
15 - боб	Қора олтин	164
16 - боб	Инсон - буюк геологик куч соҳиби	172
	Хулоса	179
	Асосий атамалар ва тушунчалар	181
	Фойдаланилган адабиётлар	184

*Йирик давлат, жамоат ва фан арбоби- академик Хабиб  
Муҳамедович Абдуллаев  
таваллудининг 110 йиллигига бағишланади.*

“Хабиб Абдуллаев XX – асрнинг Берунийси”.  
Академик Н.Каримов.

### Кириш

Биз яшаётган замин, Ер сайёраси қачон ва қандай ҳолатда пайдо бўлган? Ундаги тирик организмлар қачон шаклланган? Ер сайёрасидан бошқа ўзга сайёраларда ҳам ҳаёт мавжудми ёки йўқ? Тоғлар ва водийлар қандай пайдо бўлган? Тириклик мавжуд бўлган бу коинот жисмининг бир қисмида зилол сувлар, гўзал табиат манзаралари, жозибали ўрмонлар, кўл ва денгизлардан иборат бўлса, бир қисмида саҳролик, бир томчи сув йўқ, яшил гўзалликдан маҳрум гўшалар қандай пайдо бўлган, уларнинг тақсимотида адолат тарозусининг ҳолати қандай?

Муҳтарам Китобхон-Ўқувчим шу ва унга ўхшаш саволлар Сизни безовта қилганми? Лоақал бир лаҳза бўлсинда, кўзингизни юмиб ҳаёллар оғушига чўлганганингизда бу тириклик жараёнининг боши ва интиҳоси тўғрисида фикр юритганмисиз? Юксак интеллектуал ва техник-технологик кувватга эга бўлган ҳозирги замон ривожланиш шиддатининг интиҳоси нима билан тугайди?...

Ушбу илмий - оммабоп китобда баён этилмоқчи бўлган масалаларнинг салмоғи, кўлами ва қамрови турлича, зукко Китобхонда бу ҳолатларни енгил аниқлаб олиш имконияти мавжуд. Айрим масалалар мантиқий таомилга асосланиб берилганлигининг сабаби, китобхонни шу масалага диққат эътиборини жалб этиш, ўйлангириш ва унинг атрофини ўраб турган тирик табиий мужизаларнинг Буюк яратувчисига бефарқ бўлмаслик табиий жумбоқли масалаларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва ечимини топишдан иборатдир.

Балким, Сиз “Қизикарли физика”, “Қизикарли кимё”, “Қизикарли арифметика”, “Қизикарли алгебра” ва шу каби кизикарли китоблардан бирортасини ўқиган бўлсангиз керак, албатта. Уларнинг ҳар бирида кизикарли хикоялар орқали, рақамли жумбоқлар ва ходисаларни

баён этган ҳолда, муҳокама этилаётган объектга нисбатан ўқувчини кизиқишини орттириш мақсад килиб олинган.

Китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур “Қизикарли геология” шу йўналишдаги ягона қўлланма эмас. Маълумки академик А.Е.Ферсманинг “Қизикарли минералогия”, академик В.А.Обручевнинг “Қизикарли геология” китоблари бир неча бор қайта нашр этилган. Шу китоблар асосида минглаб ёш ўқувчилар табиат сирларига ошно бўлиб, фойдали қазилма конларини изловчи-геолог касбини танлаган бўлсалар ажаб эмас.

Мазкур қўлланма мазмун-моҳияти, табиий жумбоқларнинг қўлами ва хилма-хиллиги, вазифалар ечимини ўқувчилар томонидан енгил қабул қилиниши ва раво баён этилиши билан фарқланувчи ўзбек тилида ёзилган дастлабки уринишлардан бири ҳисобланади. Қўлланма муаллиф томонидан, ўқувчининг руҳий қувватига ортикча юклама ҳосил қилмасдан “умумийликдан оддийлик сари” тамойили асосида яратилди.

Мазкур қўлланмадаги бўлимларнинг мақсад-вазифалари доирасида келтирилаётган маълумотлар, китобхонларга тушунарли бўлиши учун унинг дебачасида Ер сайёраси тўғрисидаги айрим мулоҳазаларни тўлиқроқ берилиши кейинги бўлимларда ёритиладиган жабҳаларни енгил ўзлаштириш ва тушунарли бўлишидан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қўлланмада келтирилган табиат конунларини ёритишда ўрта мактабнинг физика, математика, биология ва кимё фанлари асослари эътиборга олинди.

Қўлланмадан кўзланган асосий мақсад, аввало, касб танлаш арафасида турган ўрта мактаб битирувчиларига кўмак бериш, соҳада таҳсил олаётган талабаларда касбига бўлган меҳр-мухаббатини кучайтириш, геолог касбини эгаллашга жиддий кўмак бериш ва барча табиат сир-синоатларига кизикувчиларга эса, тириклик маскани - Ер сайёраси тўғрисида қисқача маълумот беришдан иборатдир.

Шуниси эътиборга моликки, охириги 5-6 йил ичида геология соҳасига тегишли 10дан ортик Давлат раҳбарининг Қарор ва Фармойишлари, 15 дан ортик Ҳукуматнинг Қарорлари қабул қилиниши соҳа ривожланишига мисли кўрилмаган ютуқларни олиб келди. Жумладан, ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2022 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги Геология фанлари университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ижросини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Қўлланманинг мундарижасидан жой олган масалаларни ёритишда муаллиф халқаро интернет тармоғидан олинган расмлар, чизмалар ва маълумотлар ҳамда кўп йиллик шахсий илмий қузатишларидан тўпланган материаллардан кенг фойдаланилди.

*Shanab*